


ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА УЧРАЁТГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ЙИЎИЛИШ ЎТКАЗИЛДИ



Йиғилишда масъуллар томонидан аёл – оиланинг асоси экани, жиноят кўчасидан юриш унинг ҳаётига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатиши таъкидланди. Шунингдек, жиноятга мойиллиги бўлган аёлларни аниқлаб, уларни турли ёт ғоялар таъсирига тушишдан сақлаш ва жиноят содир этган аёлларга тегишли тушунчалар бериб, келгусида уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишдан асраш йўлида масъуллар янада илдамлик билан зарур чора-тадбирларни амалга ошириши лозимлиги уқтирилди.